



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «15» июнь

VI-28-18-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

Халқ депутатлари вилоят Кенгашида бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 93-моддасига асосан халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 16-Янгиариқ, 49-Қизилжар, 60-Файзова сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказиш 2021 йилнинг 11 июль кунига белгилансин.

2. Термиз тумани (Ш.Уринов), Денов тумани (Р.Пардаев) ва Узун тумани (Б.Турсунов) ҳокимликларига бўшаб қолган ўринларга сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш вазифаси юклансин.

3. Вилоят ҳокимлигининг молия бош бошқармаси (Б.Хурсанов) сайловни ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатларни вилоят маҳаллий бюджети ҳисобидан қопласин.

4. Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси (А.Мустанов)га бўшаб қолган ўринга янги депутат сайловини ўтказиш бўйича ташкилий-техник тадбирлар ишлаб чиқиш, сайловларни Ўзбекистон Республикаси сайлов кодекси талаблари асосида ўтказилишини ташкил этиш ва назорат қилиш вазифалари юклансин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссияси (Д.Сувонова) зиммасига юклансин.

6. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

7. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.